



HISTORICAL CITIES THAT RESTORED THEIR OLD NAMES

D.E. Tuxtaboyeva

Associate Professor, Department of the Contemporary History of Uzbekistan

Faculty of History

National University of Uzbekistan (UzMU)

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: "assaken", "asvaka", "Akhtachi", "Zelensk", "Leninsk", "Beshkapa", "Khanabad", "Shahri Omarkhani", "karasuv", "Posetovka".

Abstract: This article discusses the real names and toponymy of historical cities in our country, whose old names have been forgotten and renamed with Soviet names, as well as their names that have been falsified by adding the words "red" and "ism" to them.

Received: 19.12.25

Accepted: 20.12.25

Published: 21.12.25

ЭСКИ НОМИНИ ҚАЙТАРИБ ОЛГАН ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАР

Д.Э.Тўхтабоева

ЎзМУ Тарих факультети

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи Кафедраси доценти

Ташкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: “ассакен”, “асвака”, “Ахтачи”, “Зеленск”, “Ленинск”, “Бешкапа”, “Хонобод”, “Шаҳри Умархоний”, “қорасув”, “Посъетовка”.

Аннотация: Мазкур мақолада эски номи эсдан чиқарилиб, советча номлар билан аталган шунингдек, уларни номларига қизил, изм сўзлари қўшилиб сохталаштирилган мамлакатимиздаги тарихий шаҳарларни ҳақиқий номи ва уларнинг топонимиясига тўхталиб ўтилган.

ИСТОРИЧЕСКИЕ ГОРОДА, ВЕРНУВШИЕ СВОИ ПРЕЖНИЕ НАЗВАНИЯ

Д.Э.Тухтабаева

Национальный университет Узбекистана (НУУЗ)

Исторический факультет

*Доцент кафедры новейшей истории Узбекистана
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	«ассакен», «асвака», «Ахтачи», «Ленинск», «Бешкапа», «Шахри Омархани», «Посетовка».	Аннотация:	В данной статье рассматриваются подлинные названия и топонимия исторических городов нашей страны, чьи старые названия были забыты и переименованы в советские, а также их названия, искаженные путем добавления к ним слов «красный» и «изм».
------------------------	---	-------------------	---

Кириш. Шаҳарлар тарихи инсоният ўтмиши каби узоқ даврга боради. Улар маданият, маънавият маскани бўлибгина қолмай балки халқнинг ўтмишини сақлайдиган жой сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Муҳокама ва натижалар. Ўтган асрда тарихий шаҳарлар ва улардаги тарихий ёдгорликлар, асрлар давомида халққа хизмат қилиши учун мўлжаллаб қурилган ноёб обидалар оёқ-ости қилинди. Давр силсиласидан омон қолганлари турли маиший хизмат ва бошқа мақсадларда фойдаланилди. Масалан, “Бухоро шаҳридаги Болоҳовуз хонақосида ошхона жойлаштирилди. Ситораи Мохи Хоса саройининг янги қисмида Бухоро шаҳар музейининг бўлими, эски қисмида шаҳар ижроия қўмитаси соғлиқни сақлаш бўлимининг дам олиш уйи жойлаштирилди. Масжиди Калондан ғалла омбори сифатида фойдаланилган бўлса, Қўшмадрасада пахта сақланди”. “Қарши шаҳридаги Абдулазиз ва Қиличбек мадрасалари, Одина масжиди қамокхонага айлантирилиб, “Ардом” ва “Домзак” деган мудҳиш номлар билан аталди”. “Қўқон хонларининг саройи ҳисобланган Худоёрхон Ўрдасидаги буюмлар, санъат асарлари, девонхона хужжатлари талон-тарож этилди. Ташқи ва Ўрта сарой бутунлай бузиб ташланиб, Саломхона черковга айлантирилди. Натижада, Саройнинг бир юз ўн тўрт хонасидан ўн тўққиз хонасигина бизнинг кунларгача етиб келди”. “Чуст туманидаги Буонамозор археологик ёдгорлиги 1970 йилда колхознинг ички йўлини қуриш баҳонасида вайрон қилиб юборилди”. “Андижон вилоятидаги Мингтепа қўрғонидаги 16 та ёдгорликдан 15 таси қишлоқ хўжалиги экинлари экиш мақсадида йўқ қилинди”. Шундай қилиб, асрлар давомида халқнинг моддий ва маънавий ёдгорлигига айланган кўхна обидалар очиқ тарзда вайрон этилди. Бу эса Иттифоқ даврида шаҳарларга, улардаги тарихий ёдгорликларга бўлган “эътибор”нинг бир кўриниши эди холос[1, ўзимни дисс 18-19 бет] .

Иттифоқ даврида қадимий шаҳарларни нафақат меъморий ёдгорликлари, бинолари оёқ-ости қилинди балки, уларнинг номлари ҳам таҳдидга учраб, ўзбек халқи учун ҳеч қандай маъно билдирмайдиган сунъий номлар ёки “қизил”, “изм” сўзлари қўшилган ҳолда

айтиладиган бўлди. Истиқлолнинг илк кунларидаёқ уларга берилган сунъий номлар олиб ташланиб, республикадаги 30 га яқин кўҳна шаҳарлар ўзининг ҳақиқий номи билан юритиладиган бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг 1992 йил 9 апрель 574-XII-сонли “Андижон, Бухоро ва Тошкент вилоятларидаги баъзи бир шаҳар ва районларнинг номлари тўғрисида” қарорига мувофиқ Андижон вилоятидаги Советобод шаҳри Хонобод, Ленин шаҳри Асака деб ўзгартирилди [1].

Асака Фарғона водийсидаги қадимги шаҳарлардан бири. XIX аср тарихчиси Аваз Муҳаммад Атторнинг “Тарихи жаҳоннома” ва “Тарихи Хўқанд” асарларида шаҳар номи тилга олинади. Манбаларда қайд этилишича, ҳудудга Қўқон хони Ҳудоёрхон томонидан дала ҳовли ташкил этилиб, кейинчалик хон томонидан қалъа қурдирилади ва Асака шаҳрига асос солинади [2]. Шаҳар топонимикаси эса анча узоқ тарихга эга бўлиб, бу эса мил.ав. VI-V асрларда Фарғонада яшаган сак қабилалари номи билан боғлиқ. Улар “ассакенлар” номи билан ҳам юритилган бўлиб, “асвака”– от, “ассака”– отлиқлар маъносини билдирган [3]. Ушбу фикрга қатор олимлар қўшилган ҳолда, археолог Б.Матбобоев бу ердан топилган тошларда отлар тасвири акс этган бўлиб, ҳудудда зотли отлар боқилганлигини келтирса, топонимист С.Қораев туманда мавжуд бўлган “Ахтари” қишлоғи билан боғлаб, бу сўзнинг луғавий маъноси от табиби ёки отбоқар эканлигини айтади. Асакага 1937 йилда шаҳар мақоми берилади. 1924-1937 йилларда шаҳар “Зеленск”, 1937 йилдан то 1991 йилгача “Ленинск” деб аталиб келинди. Мустақилликка эришилгандан сўнг, унинг тарихий Асака номи қайта тикланди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Асака вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар қаторида турган, 2010 йилдан эътиборан шаҳар туманга бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига киритилди. Ҳозирги кунда Андижон вилоятининг Асака тумани маъмурий маркази.

Хонобод водийнинг тарихий шаҳарларидан бири. Қўқон хонлиги даврида бу ҳудуд “Бешкапа” деб юритилган. Маҳаллий ривоят-ларга кўра, Қўқон хонлари Хонобод атрофидаги тўқайзорларга келиб, шикор уюштиришни хуш кўрганлар. Шу боис бу ҳудуд ободонлаштирилган ва кейинчалик у жой номида акс этган. Шаҳар топонимикаси ҳам шундан бўлиб, “Хонобод” – “хонлар обод қилган жой” маъносини билдиради. Ўтган асрнинг 60-йилларида шаҳар ёнида сув омбори қурилади ва 1972 йилдан унга вилоят аҳамиятидаги шаҳар мақоми берилади ва Советобод деб юритилади. Мустақилликка эришилгандан сўнг, унинг тарихий номи Хонобод қайта тикланди. Ҳозирда Андижон вилоятининг ягона вилоятга бўйсунувчи шаҳри.

Шаҳрихон тарихий шаҳарлардан бири. “1816 йили Умархон Ўратепага юриш қилади ва ўзи билан 13,5 минг Қўқон шаҳар аҳолисини олиб кетади. Уларни хон амри билан

шаҳардан шарқда жойлаштирилади ва 1818 йилда ҳукмдор шарафига Шаҳрихон шаҳрига асос солинади”[4]. Шаҳар топонимикаси ҳам шундан келиб чиқиб, “Шаҳри Умархоний” – Умархоннинг шаҳри бўлиб, кейинчалик талаффузга мослашиш жараёнида Шаҳрихон бўлиб кетган. 1970 йилда шаҳар туманга, 1974 йилдан вилоят аҳамиятидаги шаҳарга айлантирилади ва Московский деб юритилган. Мустақилликка эришилгандан сўнг, шаҳарнинг тарихий номи тикланиб, 1991 йилдан Шаҳрихон деб аталадиган бўлди. Мустақиллик йилларида шаҳар вилоят аҳамиятидаги шаҳарлар қаторида турган, 2002 йилдан бошлаб туманга бўйсунувчи шаҳарлар тоифасига туширилган. Ҳозирда Андижон вилоятининг туманга бўйсунувчи шаҳри вазифасини бажариб келмоқда.

Қорасув тарихий шаҳарлардан бири. Қадимда туркий халқлар сизот, ер ости сувлари ва булоқларидан ҳосил бўлган сой ва анҳор каби сув манбаларини “қорасув” деб аташган ва шаҳар номи шундан келиб чиққан. 1926 йилда Ворошилов қишлоқ совети номи билан ташкил топади. 1980 йилдан бошлаб унга шаҳар мақоми берилиб Ильичевск деб юритилади. Мустақилликка эришилгандан сўнг, 1991 йил 21 ноябрдан унинг тарихий Қорасув номи қайта тикланди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоятга бўйсунувчи шаҳар вазифасини бажарган Қорасув, 2002 йилдан эътиборан туманга бўйсунувчи шаҳарлар қаторидан ўрин олган. Ҳозирги кунда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги шаҳар.

Жалакудук шаҳри 1972 йилгача ҳудуд Сўфиқишлоқ номи билан юритилган, 1976 йилдан шаҳар мақомига эга бўлди ва унга Йўлдош Охунбобоев номи берилди. Мустақиллик йилларида шаҳар топонимикаси Жалакудук номига ўзгартирилди (2015 йил 29 июнь). Бугунги кунда Андижон вилояти Жалолкудук тумани маъмурий маркази.

Бешариқ шаҳри ҳудудида қадимдан аҳоли яшаб келган. Шаҳар топонимикасини маҳаллий тарихчилар қуйидагича изоҳлайди, яъни, Хўжанд атрофидан келиб жойлашган аҳоли ҳозирги Тожикистон ҳудудидаги Равот қишлоғидан ариқ қазиб, сув келтиришган ва уни Бехиштариқ деб аташган (Жаннатариқ). Бу сўз шакл ўзгариши натижасида кейинчалик Бешариққа айланган дейилади. Ҳудуддан 1894 йилда темир йўл ўтказилиб, қишлоқнинг шарқ томонига бекат қурилган. Унга Чор ҳукумати алоқа министри томонидан Посъет номи берилиб, “Посъетовка” деб аталган. Бу ҳозирги Рапқон шаҳарчасига тўғри келади. 1958 йилда ҳудудга шаҳар мақоми берилиб, Киров номи билан юритилган. Мустақиллик йилларида унинг тарихий номи Бешариқ қайта тикланди. Ҳозирги кунда Фарғона вилоятининг Бешариқ тумани маркази.

Риштон Фарғона вилоятидаги тарихий шаҳарлардан бири. XVIII асрда ҳудуд йирик ҳарбий ва иқтисодий аҳамиятга эга қалъа бўлиб, бу ерда Хитой, Ҳиндистон, кейинчалик

рус савдогарлари тўхтаб ўтганлар. Шаҳарда қадимдан сопол буюмлар яшаш-кулолчилик ривожланган. 1958 йилнинг май ойига қадар йирик аҳоли манзилгоҳи, 1977 йил 24 ноябрда унга шаҳар мақоми берилди ва Куйбишев деб юритила бошланди. Мустақилликка эришилган кундан бошлаб, унинг тарихий номи тикланиб, Куйбишев ўрнига Риштон деб аталадиган бўлди. Ҳозирги кунда Фарғона вилояти Риштон тумани маркази[5].

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиздаги тарихий шаҳарларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларда жойлашган меъморий ёдгорликлар реконструкция қилинди ва фойдаланишга топширилди. Шунингдек, тарихий шаҳарларни жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси эътиборга олинди, юбилей тантаналари дунё миқёсида кенг нишонланди. Шу билан бирга уларни эски номлари ҳам қайтарилиб, ҳақиқий номига эга бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992-й., 6-сон, 262-модда // <https://lex.uz/uz/docs/247022>.
2. Агзамова Г.А. XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти. Дисс... тарих фанлари доктори. - Тошкент, 2000. - 90 б.
3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005. - № 1. –Б. 443.
4. Агзамова Г.А. XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти. Дисс... тарих фанлари доктори. - Тошкент, 2000. - 90 б.
5. Жадвал Э.Аҳмедовнинг “Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида” китобидаги 10-иловага асосланиб диссертант томонидан тузилган.